

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Fil.60.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

КУЧКАРОВ ОЙБЕК АБДУМАНСУРОВИЧ

XX АСРНИНГ 20-30-ЙИЛЛАР ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИДА
ПОЭТИК МОТИВЛАР

10.00.02 - Ўзбек адабиёти

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Content of the abstract of dissertation on doctor of philosophy (PhD) on
philological sciences**

Кучкаров Ойбек Абдумансурович

XX асрнинг 20-30-йиллар ўзбек шеъриятида поэтик мотивлар 3

Кучкаров Ойбек Абдумансурович

Поэтические мотивы в узбекской поэзии 20-30 годов XX века 25

Kuchkarov Oybek Abdumansurovich

Poetic motifs in uzbek poetry of the 20-30s of the XX century 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

List of published works

Список опубликованных работ..... 52

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Fil.60.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

КУЧКАРОВ ОЙБЕК АБДУМАНСУРОВИЧ

XX АСРНИНГ 20-30-ЙИЛЛАР ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИДА
ПОЭТИК МОТИВЛАР

10.00.02 - Ўзбек адабиёти

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2021.3.PhD/Fil621 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус, (резюме)) Андижон давлат университети веб-саҳифаси (www.adu.uz) ҳамда «Ziyounet» ахборот-таълим портали www.ziyounet.uz манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Қуронов Дилмурод Ҳайдаралиевич
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Қобилова Зебохон Бакировна
филология фанлари доктори, доцент

Жўраев Ҳабибулло Абдусаломович
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Наманган давлат университети

Диссертация ҳимояси Андижон давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.Fil.60.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил:170100, Андижон шаҳар, Университет кўчаси 129-уй. Тел: 0 (374) 223-88-14; факс: 0 (374) 223-88-30; e-mail; agsu_info@edu.uz).

Диссертация билан Андижон давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 170100, Андижон шаҳар, Университет кўчаси 129-уй. Тел: 0 (374) 223-88-14).

Диссертация автореферати 2022 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2022 йил «__» _____ даги «__» рақамли реестр баённомаси).

Ш.Х. Шахабитдинова

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, ф.ф.д., профессор

Ф.Ф. Усманов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, ф.ф.д.

М.Э. Умарходжаев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, ф.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида мотив ва у билан боғлиқ масалалар атрофлича ўрганилган. Хусусан, ҳозирда жаҳон адабиётшуносларининг мотив генезиси, мотивлар семантикаси ва прагматикаси каби муаммоларни ўрганишга амалий эҳтиёж юзага келди.

Дунё адабиётшунослигида шеърятдаги поэтик мотивларни тадқиқ этиш жуда кам ўрганилган ҳодиса бўлиб, бу ҳол муаммони ҳамини долзарб қилиб қўяди. Ўзбек адабиётшунослигида фольклоршунослик йўналишидаги айрим тадқиқотларда алоҳида мотивлар генезиси, функциялари, поэтик тизимдаги ўрни каби масалалар ёритилган. Ҳозирда ўтмиш адабиётимиз, хусусан, ўтган асрнинг 20-30-йиллари ўзбек шеърятдаги поэтик мотивларни семантик, прагматик жиҳатдан атрофлича тадқиқ этиш зарурати мавжуд. Зотан, “Адабиёт ва санъатга, маданиятга эътибор – бу, аввало, халқимизга эътибор, келажагимизга эътибор эканини, адабиёт, маданият яшаса, миллат яшаши мумкинлигини унутишга бизнинг асло ҳаққимиз йўқ”¹.

Мамлакатимизда бугунги кунда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар даврида адабиёт ва маънавий давлат сиёсати даражасидаги масалалардан бўлиб турибди. Ўзбек адабиётидаги поэтик мотивлар муаммоси изчил тарзда ўрганилган эмас. Тадқиқотларда бевосита мавзуга ўтилиб, ҳатто бошланиш қисмида мотив ҳақида обзор тарзидаги назарий маълумот берилмаган. 20-йиллар адабий жараёнида етакчи бўлган жадидчилик ғоялари таъсиридаги адабий авлоднинг аста-секин ўз ўрнини шўро мафкураси таъсиридаги авлодга бўшатиб бериши адабиётнинг нафақат ғоявий, балки бадий-эстетик тамойиллари, образлар тизимида ҳам сезиларли из қолдирди. Мумтоз шеърятда фаол қўлланган кўплаб *мотив-образлар* ўзида давр руҳини, янги даврнинг умумкайфтиятини акс эттира олмай қолди. Янгича ижтимоий руҳ-кайфият, янгича шароитда етишган талаб-эҳтиёжларга жавоб бериш учун янги поэтик образлар тизими тақозо қилинар эди. Натижада давр шеърятда бир қатор янги ва янгиланган поэтик мотивлар кенг оммалашди. Шунга кўра, 20-30-йилларда ўзбек шеърятда фаол қўлланган поэтик мотивларни аниқлаш ва тадқиқ этиш ҳозирги ўзбек адабиётшунослигининг долзарб вазифаларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июлдаги ПҚ-3160-сон “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш

¹Мирзиёев Ш. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир // Халқ сўзи, 2017 йил 4 август.

ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги, 2019 йил 8 октябрдаги ПҚ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорлари; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 мартдаги 139-сон “Ўзбек тили ва адабиёти бўйича фундаментал ва амалий тадқиқотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасига Мурожаатномаси ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъриёв-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширига ушбу диссертация маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналишига мувофиқ равишда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон адабиётшунослигида мотив атрофлича тадқиқ этилган. Терминнинг адабиётшуносликда ҳам ҳозиргидек жуда фаол ишлатила бошланиши XIX аср охиридан бошлаб кузатилади. Мотивни сюжетга боғлаган ҳолда ва қиёсий таҳлил учун муҳим илмий категория сифатида ўрганишни рус олими А.Н.Веселовский бошлаб берган². Мотивнинг бу тарзда тушунилиши адабиётшуносликда “семантик концепция” деб юритилиб, кейинроқ А.Л.Бем ва О.М.Фрайденберг ишларида ривожлантирилди³. Кейинчалик Е.М.Мелетинский⁴, Б.Н.Путилов⁵, В.В.Иванов⁶, Б.И.Ярхо⁷ ўз қарашлари билан мотив ҳақидаги тушунчаларни бойитдилар. В.Пропп⁸ амалий ривожлантирган дихотомик концепция Л.Долежал, А.Дандес, Л.Парпулова, Н.Г.Черняева каби қатор олимларнинг ишларида тугал шаклланди. Мотивга тематик ёндашув В.Б.Томашевский⁹, Б.В.Шкловскийларнинг ишларида назарий тавсифланган. Мотившунослик бобида фаол тадқиқотлар олиб борган С.Томпсон, А.Греймас, В.Кайзер, Ж.Женетт, Б.М.Гаспаров, А.К.Жолковский, Н.Д.Тамарченко, В.И.Тюпа, С.Г.Шалыгина¹⁰,

²Веселовский А.Н. Историческая поэтика. – М.: Высшая школа, 1989. – С.301.

³Қаранг: Силантьев И.В. Поэтика мотива. – М.: Языки славянской культуры, 2004. – С.17–20.

⁴Мелетинский Е.М. Семантическая организация мифологического повествования и проблема создания семиотического указателя мотивов и сюжетов // Учен.зап. Тартуского гос. ун-та. Вып. 635. – Тарту, 1983. Мелетинский Е.М. Поэтика мифа. – М., 1976. – С.126.

⁵Путилов Б.Н. Веселовский и проблемы фольклорного мотива // Наследие Александра Веселовского. Исследования и материалы. – СПб, 1992. – С.74-85.

⁶Иванов Вяч. Вс. Из прошлого семиотики, структурной лингвистики и поэтики // Очерки истории информатики в России. – Новосибирск, 1998. – С.310–340.

⁷Ярхо Б.И. Методология точного литературоведения (набросок плана). Контекст –1983. – М., 1984. – С.221–222.

⁸Пропп В. Морфология сказки. – Л.: Academia, 1928. – С. 22.

⁹Томашевский Б.В. Теория литературы. Поэтика. – М.: Аспект пресс, 1996. – С.182.

¹⁰Шалыгина С.Г. Понятие «мотив» и его интерпретация в теории литературы и музыке // Социально-экономические явления и процессы. – 2001. – №1(035). – С.250–254.

И.Силантьев¹¹ каби кўплаб олимларнинг илмий изланишлари мотив назариясини кенгайтишга хизмат қилди. Ўзбек олимларидан Н.Йўлдошев¹², Т.Раҳмонов¹³, Д.Кувватова¹⁴, Ш.Назарова¹⁵, У.Қобиловларнинг¹⁶ тадқиқотларини мотившунослик борасида қўйилган дастлабки қадамлар сифатида эътироф этишимиз мумкин.

Ўзбек адабиётшунослигида 20-30-йиллар шеъриятидаги поэтик мотивлар монографик планда махсус тадқиқ этилмаган.

Ушбу тадқиқот XX асрнинг 20-30-йиллар ўзбек шеъриятида фаол қўлланган поэтик мотивларни тадқиқ этишга бағишланганлиги билан аввалги илмий ишлардан фарқ қилади.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Андижон давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг 2017–2021 йилларга мўлжалланган “Ўзбек адабиётшунослигининг долзарб муаммолари” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади адабиётшуносликдаги поэтик мотивларни, илғор назарияларни илмий идрок этиб такомиллаштириш, ўтган асрнинг 20-30-йилларидаги поэтик мотивлар тараққиёти тамойилларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

20-30-йиллар шеъриятидаги поэтик мотивларнинг вариант ва инвариантини аниқлаш;

20-йиллардаги поэтик мотив семаларининг 30-йиллар поэтик мотиви семасидан фарқларини очиб бериш;

лирик мотивнинг эпик ривоя мотивидан фарқли жиҳатларини аниқлаш;

давр шеъриятидаги поэтик мотивларни таснифлаш;

20-30-йиллар ўзбек шеъриятидаги мотивларнинг образ ва маъно муносабатига кўра антономик, синономик ва омонимик алоқадаги вариантларини аниқлаш;

давр шеъриятидаги поэтик мотивларнинг синтактикаси ва прагматик хусусиятларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг объектини XX асрнинг 20-30-йилларида ўзбек шеъриятида фаол бўлган Чўлпон, Элбек, Боту, Фитрат, Усмон Носир, Ойбек шеърлари ва бошқа шоирларнинг лирик асарлари ташкил этади.

¹¹Силантьев И.В. Поэтика мотива. – М.: Языки славянской культуры, 2004. – С.63.

¹²Йўлдошев Н. Чўлпон шеъриятида пейзаж. Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация. – Т.: 1994. – Б. 20–50.

¹³Раҳмонов Т. Қадимги мифлар ўзбек фольклори эпик мотивларининг ўзаги сифатида. Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация. – Т.: 1997. – Б. 21–76.

¹⁴Кувватова Д. Ўзбек илмий-бадий фантастикасида фольклор мотивлари. Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация. – Т.: 1997. – Б. 33–47.

¹⁵Назарова Ш. Ўзбек халқ эртақларида синов мотивларининг генезиси ва поэтикаси. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. – Т.: 2017. – Б. 53–85.

¹⁶Қобилов У. Ўзбек адабиётида нубувват мотиви ва образлари талқини. Филология фанлари бўйича докторлик (DSc) диссертацияси. – Самарқанд, 2019. – Б.151–172.

Тадқиқотнинг предметини XX асрнинг 20-30-йилларида ўзбек шеъриятида фаол қўлланган поэтик мотивларнинг семантикаси, синтактикаси ва прагматикаси тадқиқот предмети ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда таснифлаш, қиёсий-типологик, адабий-биографик, қиёсий-тарихий, структурал-семиотик ҳамда лингвопоэтик таҳлил методларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

XX асрнинг 20-30-йилларида жамиятнинг ижтимоий-эстетик эҳтиёжлари, орзу-интилишлари, дард-ҳасрати ва қувончлари асосида ҳосил бўлган даврнинг етакчи руҳ-кайфиятини белгиловчи парвоз, пўртана, йўл мотив образларнинг актуал маънолари очиб берилган;

20-йилларнинг ўрталаригача ва ундан кейин 30-йиллар давомида шеъриятимизда фаол бўлган пўртана, денгиз мотивлари ва уларнинг вариантлари бир-биридан кескин фарқ қилиши, бу ижтимоий-сиёсий ва маданий шарт-шароитлар билан боғлиқлиги далилланган;

мотивларнинг эҳтимолий маънолари ўқувчида лирик кечинма юзага келган вазият, мотивнинг инвариант ва бошқа вариантлар билан семантик алоқаси, интертекстуал алоқалар асосида юзага чиқиши асосланган;

миллий шеъриятдаги анъанавий ва жаҳон адабиётидаги мотивлар контексти ижодкор коммуникатив интенциясининг самарадорлигини таъминловчи муҳим прагматик омил эканлиги очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

поэтик мотивларни тадқиқ этиш орқали чиқарилган хулосалар ўзбек адабиёти учун муҳим илмий-назарий маълумотлар бериши адабиётшунослик фанлари бўйича яратиладиган дарслик ва қўлланмаларнинг мукаммаллашувига хизмат қилиши асосланган;

тадқиқотнинг XX аср 20-30-йиллар ўзбек шеъриятини ўрганишда ишончли манбалардан бири бўлиб хизмат қилиши далилланган. Бадиий асарни *бадиий тил ва бадиий нутқ* нуқтаи назаридан ўрганиш, мотивни “сўз”га монанд хусусияти аниқ мисоллар ёрдамида очиб берилган;

20-30-йиллар шеърлари орасидаги интертекстуал алоқалар ва бунинг мотив прагматикаси билан боғлиқ томонлари ёритиб берилган;

XX асрнинг 20-30-йиллар ўзбек шеъриятидаги поэтик мотивлар тадқиқи орқали бугунги адабий жараёндаги жанрий изланишлар асослари белгиланган;

поэтик мотивлардаги кураш, қаҳрамонлик, истиклол, ҳуррият, ватанпарварлик ғоялари бугунги кун ўқувчисининг дунёқарашини ўстириш, тафаккурини шакллантиришда ҳамда жамиятнинг ахлоқий-маънавий такомилда муҳимлиги асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув усуллари ва назарий маълумотларни беришда аниқ илмий манбаларга таянилгани, таҳлилга тортилган материалларнинг илмий методлар воситасида асосланганлиги, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан

тасдиқланганлиги, адабиётшуносликнинг замонавий илмий концепциялари асосида ўрганилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда келтирилган фикр-мулоҳаза ва таклифлар XX асрнинг 20-30-йиллар ўзбек шеърияти бўйича олиб бориладиган тадқиқотлар учун, адабиётшунослик луғати тайёрлашда, ўзбек адабиётида қўлланилган мотив ва мотив образ асосида қўлланмалар тузишда, уларнинг таржималарини яратишда манба бўлиб хизмат қилади. Тилшунос, адабиётшунос ва тарихчилар амалий ва илмий изланишларида манба сифатида фойдаланишлари мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертация материаллари ва хулосаларидан XX аср бошлари ўзбек адабиёти тарихи бўйича тадқиқот олиб бораётган мутахассислар учун, олий ўқув юр்தларининг “Филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек тили)” таълим йўналишларида “Ўзбек мумтоз ва миллий уйғониш адабиёти”, “XX аср ўзбек адабиёти”, “Адабиётшунослик (ўзбек адабиёти)” магистратура мутахассислигида “Жадид адабиёти тарихи” каби фанлардан маърузалар ўқишда ва амалий машғулотлар ўтказишда, дарсликлар ва ўқув қўлланмалар яратишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. XX асрнинг 20-30-йиллар ўзбек шеъриятида поэтик мотивларни тадқиқ этиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

XX аср 20-йилларнинг ўрталаригача ва ундан кейин 30-йиллар давомида шеъриятимизда фаол бўлган мотивлар ва уларнинг вариантлари ўртасидаги аниқланган фарқлар ва мотивлар синтактикаси, мотивларнинг прагматик хусусиятлари ҳақидаги хулосаларидан Ausbildung und Arbeit Plus GmbH илмий тадқиқот марказида бажарилган ишларда фойдаланилган (Германия Республикаси Arbeit Plus GmbH илмий тадқиқот марказининг 2021 йил 27 сентябрдаги 214/21-сон маълумотномаси). Натижада тадқиқотларнинг мазмун-мундарижаси кенгайиб, илмий-назарий қарашларнинг мукамал даражага етишига ҳисса бўлиб қўшилган;

XX асрнинг 20-30-йиллар ўзбек шеъриятида содир бўлган бадий, ғоявий, ижтимоий-сиёсий жараёнлар ҳақида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қошидаги “Онажоним – шеърият” ижодий тўғарагидаги ёш ижодкорларга ва Муҳаммад Юсуф ижод мактабида ўтилган маҳорат дарсларида, шунингдек, ижодий семинарларда маърузалар қилинган. (Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 2021 йил 9 сентябрдаги 01-03/1057-сон маълумотномаси). Натижада ижод мактабларида таҳсил олаётган истеъдодли ёшларда китобхонлик маданияти ошган, уларнинг XX аср бошларидаги миллий шеъриятимизда кечган поэтик янгиланиш жараёни ҳақидаги тасаввурлари кенгайган, семинарларнинг илмий-оммабоплигини таъминлаб, янги манбалар билан бойитишга имкон яратган;

миллий шеъриятдаги анъанавий ва жаҳон адабиётидаги мотивлар контексти коммуникатив интенциянинг самарадорлигини таъминлашдаги аҳамиятига оид фикрлардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси

Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий тадқиқот институтида бажарилган Ф1-ФА-0-43429, ФА-Ф1, ГОО2 “Қорақалпоқ фольклори ва адабиёти жанрларининг назарий масалаларини тадқиқ этиш” ҳамда ФА-Ф-1-005 “Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ этиш” номли фундаментал илмий лойиҳаларда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 13 октябрдаги 17:01/253-сон маълумотномаси). Натижада “мотив”, “сюжет мотиви”, “тематик мотив”, “мотив образ”, “архетип мотив” терминлари учун иллюстратив материаллар тўплашга ва тартиблашга, давр шеърлятида мотивларни қўллашнинг синтактик ва прагматик жиҳатларини ёритишга имкон берган;

20-йилларнинг ўрталаригача ва ундан кейин 30-йиллар давомида шеърлятимизда фаол бўлган мотивлар ва уларнинг вариантлари бир-биридан кескин фарқ қилишига оид хулосалардан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “Маҳалла” телерадиоканали “Умр дафтари”, “Зиё дарғалари” номли илмий-маърифий кўрсатувларида фойдаланилган (“Маҳалла” телерадиоканалининг 2021 йил 24 июндаги 01-18-463-сон маълумотномаси). Натижада кўрсатув сценарийлари илмий ва маърифий жиҳатдан бойитилиб, томошабинларда бадиий адабиётга нисбатан ҳурмат ва муҳаббат туйғуларини мустаҳкамлашга ёрдам берган;

XX асрнинг 20-30-йиллар ўзбек шеърлятида фаол қўлланган поэтик мотивларнинг синонимик қаторлар, антонимик жуфтликлар ҳосил қилиши, бир нечта омонимларга эга бўлишига оид фикрлардан Андижон вилоят телерадиокомпаниясининг “Мутолаа завқи” номли адабий, илмий-маърифий кўрсатувида фойдаланилган (Андижон вилоят телерадиокомпаниясининг 2021 йил 27 апрелдаги 20-24/129-сон маълумотномаси). Натижада кўрсатувларнинг илмий-маърифий жиҳатдан салоҳияти ортишига, бадиий адабиётнинг тарбия воситаси сифатидаги аҳамиятини очиб беришга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 5 та республика илмий-назарий анжуманларида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш эълон қилинган, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та илмий мақола, жумладан, 4 таси республика ҳамда 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 146 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг “**Кириш**” қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ҳамда вазифалари, объекти, предмети тавсифланган, тадқиқот усуллари ва илмий янгилиги ҳамда амалий натижалари санаб ўтилган, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги изоҳланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти баён этилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, унинг апробацияси ҳамда тадқиқот натижаларининг эълон қилингани, диссертация тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

“**20-30-йиллар ўзбек шеърлятида мотивлар хилма-хиллиги**” номли биринчи бобнинг биринчи фасли *мотив тушунчаси ва унинг адабиётшуносликдаги талқинлари* ҳақида. “Мотив” атамаси адабиётшуносликка мусиқашуносликдан кириб келган. Мусиқашуносликда “мотив” деганда кўйнинг бир нечта ноталарини бирлаштирувчи ритмик шаклланган бўлаги тушунилади. Шунга ўхшаш ҳолда адабиётшуносликда ҳам адабий асарнинг энг кичик бўлаги мотив деб тушунилади бошланган. Бироқ адабиётшуносликда “мотив” атамасига берилган изоҳларни, бу тушунчага берилган таърифларни кўздан кечирсак ҳамда тадқиқотларда мотив деб талқин қилинган бирликларни эътиборга олсак, бу атама таърифлари ҳар хил эканлиги маълум бўлади.

“Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати”да мотивга: “Сюжет таркибидаги ҳалқалардан бири. Худди шу маънода *мотив* термини халқ оғзаки ижодида, хусусан, дoston, эртак каби катта эпик жанрларни ўрганишда ишлатилади”¹⁷ деб таъриф берилган. Мазкур луғатда ушбу атама асосан фольклоршуносликка хос деган фикр илгари сурилган, рус ва ўзбек фольклоршунослигига таяниб мисоллар келтирилган. Терминнинг иккинчи маъносига эса луғат муаллифлари жуда қисқа тўхталиб, “Адабиётшуносликда мотив термини асарнинг асосий мавзуи ва ғоясини тўлдиришга хизмат қилувчи кўшимча мавзу ёки ғоявий линияга нисбатан қўлланади”¹⁸ дейиш билан кифояланган. Бу ерда мотив мазмуннинг узви деб талқин қилинган. Бошқача айтадиган бўлсак, бунда мотив атамаси “бош мавзу – мавзуча” занжиридаги иккинчи атамага синоним сифатида ишлатилган. Юқоридаги луғатда муаллифлар мотив терминини аниқ бир маънода тушунтиришга, изоҳлашга ҳаракат қилганлар. Аслида эса адабиёт назариясига доир кўплаб манбаларда мотив терминига хос кўпмаънолилиқ хусусияти алоҳида таъкидланади. Масалан, “Адабиётшунослик луғати”да мотивга қуйидагича таъриф берилади: “**МОТИВ** (лот. *moveo* – ҳаракатлантираман) – мусиқашуносликдан ўзлаштирилган термин. Мотив

¹⁷Хатамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979. – Б. 190.

¹⁸Кўрсатилган манба. – Б. 191.

музиқада асарнинг энг кичик шакл бирлиги саналиб, асар унинг айнан такрорланиши (шунингдек, ўзгартирилиши ёки зид мотивлар киритиш) асосида ривожланади... Мотивга хос муҳим жиҳатлардан бири муайян турғунликка эгаликдир. Яъни мотивлар ярим тайёр ҳолда олинади: мавжуд мотивлар айнан эмас, ўзак сақлаб қолингани ҳолда ёзувчининг бадиий фантазия имконияти ва ижодий ниятидан келиб чиқиб турли вариантларда талқин этилади”¹⁹. Бу таърифда мотив *сюжет схемаси* эканлиги айtilган, шу билан бирга бадиий асарда тасвирланган *нарсa, ҳолат ёки образ* ҳам “мотив” деб аталиши мумкинлиги таъкидланмоқда. Шунинг учун ҳам ушбу луғатнинг 49-бетида бадиий образ турлари таснифланганда “*мотив образ*” тушунчаси ҳам келтирилади: “Мотив (мотив образ) шаклий ва мазмуний жиҳатлардан муайян турғунлик касб этган, бир ёки бир неча ижодкорнинг асарларида қайтарилиб туриши билан уларнинг ижодий интилишларини намоён этиб турувчи образдир”²⁰.

Рус олими А.Н.Веселовский мотивни сюжетга боғлаган ҳолда ҳамда қиёсий таҳлил учун муҳим илмий категория сифатида ўрганишни бошлаб берган. Унинг “Сюжетлар поэтикаси” номли асарида мотив *ривоянинг энг содда, бўлинмас бирлиги, сюжет асосида ётувчи схематик формула* деб талқин этилган. Олим шундай ёзади: “Мотив деганда мен кишилиқ жамиятининг илк даврларида табиат инсон қаршисига ҳар ерда кўндаланг қилиб қўйган саволларга жавоб берувчи ёхуд воқелиқдан олинган айрича ёрқин, муҳим ёки такрорланувчи бўлиб кўринган таассуротларни муҳрловчи формулани тушунаман”²¹. А.Н.Веселовский мотивни сюжетнинг бўлинмас бирлиги деб ҳисоблагани учун унга “*бир узвли образли схематизм*” дея таъриф берган.

Ўтган асрнинг 20-йиллари охирларига келиб, А.Н.Веселовский ишлаб чиққан семантик концепция В.Я.Пропп томонидан танқид остига олинди. А.Н.Веселовский мотивнинг семантик бутунлигини бўлинмаслик асоси деб олди, яъни А.Н.Веселовский учун, масалан, “*ёвуз кампирнинг соҳибжамолни ёқтирмаслиги*” мотиви семантик бутунликка эга ва у бошқа кичик бўлақларга ажралмайди. А.Н.Веселовскийдан фарқли равишда, В.Я.Пропп асосий мезон қилиб “мантиқий бутунлик” тушунчасини олди. В.Я.Пропп А.Н.Веселовский ўз фикрини далиллаш учун мисол тариқасида келтирган мотивларнинг ҳам парчаланишини айтиб, шундай ёзади: “Мана, “аждар подшоҳнинг қизини ўғирлади” мотивини олайлик. Бу мотив 4 та элементга ажралади ва уларнинг ҳар бири алоҳида ҳолда ҳам вариантланиши мумкин. Аждар бемалол Кошчей билан, довул, шайтон, лочин ё жодугар билан алмаштирилавериши мумкин”²². Мотив тушунчасини мантиқий бутунлик мезони асосида танқид қилгач, В.Я.Пропп ундан бутунлай воз кечади ва унинг ўрнига ривоянинг кичик бирлиги сифатида “*иштирокчи шахс*

¹⁹ Куронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослиқ луғати. – Тошкент: Академнашр, 2010. – Б.180.

²⁰Кўрсатилган манба. – Б. 49.

²¹Веселовский А.Н. Историческая поэтика. – Москва: Высшая школа, 1989. – С.301.

²² Пропп В.Я. Морфология сказки. – Ленинград: Academia, 1928. – С. 22.

функцияси” деган тушунчани киритади. Бироқ мотившуносликда В.Я.Проппнинг А.Н.Веселовский қарашларини инкор этиш ҳаракати охир-оқибатда бутунлай тескари натижага олиб келгани, яъни В.Я.Пропп изланишлари барибир А.Н.Веселовский қарашлари тасдиғига хизмат қилгани ҳам таъкидланади.

Лирик мотив ҳақида Б.Томашевский “Лирик поэзияда фабулавий мотивлар жуда кам учрайди. Эмоционал қаторларга ёйиладиган турғун мотивлар эса анча кўп учрайди”²³ деб таъкидлайди. Олим лирикада мотив ривоявий асардагидан фарқланишига эътиборни қаратади. Унинг фикрича, лирик асарда воқеа ва ҳодисалар, худди табиатдаги каби, фабулавий вазиятни ҳосил қилмасдан юзага чиқади. Шеърнинг кучи воқеаларнинг сабаб-натижа бўлиб боғланишида эмас. Шеърда лисоний тема кучайтириб борилади. Тема аслида турғунлигича қолади, теманинг у ёки бу жиҳатини очиб берадиган турли хил ифодалар сабабли тема ҳаракат касб этади. Шунинг учун лирикада такрор ҳам ҳаракат сифатида қабул қилинади²⁴.

И.Силантьев айтганидек, мотившунослик йўналишидаги тадқиқотларда “мотив назарияси ва лингвистик методологияни мувофиқлаштириш принципиал характерга эга”. И.Силантьев бундай хулосани ўзи тадқиқ қилаётган объект моҳиятидан келиб чиқиб айтган. У мотивнинг “нарратив бирлик сифатида типологик жиҳатдан сўз лингвистик феноменига, мотивлар асосида ўсиб чиқадиган мураккаб нарратив тузилмалар – фабулавий “гап” ва сюжет “жумла”си – типологик жиҳатдан лисоний гап ва нутқий гап (высказывание)га монанд”²⁵ эканлигини таъкидлайди. Кўриб турганимиздек, ҳар иккала тадқиқотчи – Б.Путилов ва И.Силантьев мотив билан тил (нутқ) ҳодисалари орасида типологик умумийлик кўради. Шундай экан, мотивлар табиатини ўрганишда тилшуносликнинг семантика, семиотика, синтаксис, прагматика, матн лингвистикаси каби соҳалари эришган ютуқлардан хабардорлик, уларга оид тушунча ва терминларни билиш, таҳлил усулларини қўллаш самарали натижа бериши шубҳасиз.

Биринчи бобнинг иккинчи фаслида **XX асрнинг 20-30-йиллари ўзбек шеърлятидаги поэтик мотивларнинг умумий тавсифи ва таснифи** масаласи тадқиқ этилган. Адабий жараёнда етакчи мақомда бўлган жадидчилик ғоялари таъсиридаги адабий авлод 20-йилларнинг охирларига бориб-бормай, аста-секин ўз ўрнини шўро мафкураси таъсиридаги авлодга бўшатиб бера бошлади. Яъни 15–20 йиллар аввал бошланган янгилавиш ҳали охирига етмасдан туриб, яна янгилавиш жараёнлари бошланди. Кейинги янгилавиш адабиётнинг шакли – бадииятига эмас, асосан мазмунига – ғоявий томонига алоқадор бўлди, десак хато бўлмайди.

“Мотив”, “поэтик мотив” терминлари остида биз асар тематикасининг энг кичик бирлигини, БАДИИЙ ТИЛ нуқтаи назаридан СЎЗга тенг келадиган ва адабиётларда баъзан “мотив образ” (“поэтик образ”, “сўз образ”) деб юритилувчи поэтик бирликни тушунамиз. Албатта, мотив фақат тематик,

²³Томашевский Б.В. Теория литературы. Поэтика. – М.: Аспект пресс, 1996. – С.230

²⁴ Шу жойда.

²⁵Силантьев И.В. Поэтика мотива. – М.: Языки славянской культуры, 2004. – С.63

яъни фақат мазмун билангина боғлиқ ҳодиса эмаслигини ёдда тутишимиз керак. Кўп ҳолларда ўша сўз (сўзлар, гап, гаплар) воситасида ифодаланган мотив тўлақонли образ сифатида қабул қилинади. Масалан, шеърдаги “булбул”, “гул”, “тикан” сўзлари матнда алоқа-муносабатга киришиб темани юзага чиқарувчи *мотивлар* деб ҳам, шеърятимиздаги анъанавий *образлар* деб ҳам тавсифланиши мумкин. Шу жиҳатдан уларни *мотив образ* деб аташимиз ўзини оқлайди.

Ўрганилаётган давр шеърятдаги мотивларни, бизнингча, энг аввал учта катта гуруҳга ажратиш мумкин:

- 1) анъанавий поэтик мотивлар;
- 2) ўзлашган поэтик мотивлар;
- 3) янги мотивлар.

Анъанавий поэтик мотивлар деганда, биз ўзбек халқ оғзаки ижоди ва мумтоз шеърятимизда қўлланган мотивларни назарда тутамиз. Йўл мотиви халқ дostonларида, эртақларда кенг тарқалган, қўшиқларда ҳам учрайди. Масалан, “Ваҳ-ваҳ, тўрам” номли қўшиқнинг қуйидаги бандига эътибор қаратайлик:

Сен гўзални излаб йўлларни кездим,
Йўлларнимас, талай чўлларни кездим.
Ўшал кезган чўллар бўстон эмасми?
Менинг жоним сенга қурбон эмасми?²⁶

Бунда йўл мотиви мажмуа ҳолида мавжуд бўлиб, қуйидагиларни қамраб олган:

- 1) матнда ифодаланган “йўллар”;
- 2) шу йўлларни кезган ошиқ, яъни “йўлчи”;
- 3) йўлчи кўзлаган “манзил-мақсад”;
- 4) йўлдаги тўсиқ-қийинчиликлар.

Шу мотивлар асосида банддаги “фидойи муҳаббат” темаси юзага чиқарилмоқда. Бу ерда мотивларнинг фақат биттаси бевосита сўз билан ифода этилган (“*йўллар*”). Иккинчи мотив эса “кездим” шаклидаги кесимдан англашилади: лирик қаҳрамон – “*йўлчи*”. Унинг “*манзил-мақсад*”и – “*ёр*”, буни унинг мурожаатидан (“сен гўзални излаб”) тушуниб оламиз. Йўлчи энгиб ўтган йўлдаги “*тўсиқ-қийинчиликлар*” – тўртинчи мотив эса “чўл” сўзи орқали умумлаштириб ифодаланмоқда. Матнда тўғридан-тўғри номланмаган ёки умуман тилга олинмаган мотивларни адабий анъаналар контекстида, яъни *бадиий хотира*²⁷ асосида тушуниб оламиз. Агар ўқувчи шу мотивларни англаса, нима учун лирик қаҳрамон “Ўшал кезган чўллар бўстон эмасми?” деяётганини, яъни бу билан ёрига “сен учун чеккан азобим роҳатдир” демоқчи эканини тушуна олади.

20-30-йилларда ижод қилган шоирлар яратган лирик асарларда анъанавий мотивлар жуда кўп қўлланган. Ўша давр шоирлари бевосита мумтоз Шарқ шеърятини анъаналари руҳида тарбия олгани учун ҳам уларнинг

²⁶ Шода-шоода марварид. Ўзбек халқ қўшиқлари. – Т.: Шарқ, 2006. – Б.193.

²⁷ Мамажонов З. Мумтоз шеърини санъатларнинг назарий таснифи. – Т.: Академнашр, 2016. – Б 105–128.

анъанавий мотивларни кўп қўллашлари табиий ҳол эди. Улар ўз зиммаларига нафақат шеъриятни, балки ижтимоий турмушни ҳам янгилаш вазифаси қўйилганини чуқур ҳис қилиб ижод қилганлар. Шу омиллар туфайли улар яратган асарларда мумтоз шеъриятдаги “гул”, “булбул”, “зоғ”, “ошиқ”, “ёр”, “рақиб”, “ой”, “ишқ”, “ишқ ўти”, “ҳижрон”, “май”, “қадах”, “қонли ёш”, “қаландар”, “дарвиш”, “бут” (санам), “ужмоҳ”, “бойқуш”, “кийик” каби кўплаб мотив образлар ҳам баъзан анъанавий шаклда, баъзан эса бироз ўзгартирилган шаклда кенг қўлланди.

2) **Ўзлашган поэтик мотивлар.** Янги ижтимоий-маданий шароитда анъанавий поэтик мотивлар билан бир қаторда давр шеъриятида ўзлашган мотивларга ҳам кўп мурожаат этилган. Биз ўзлашган мотивлар деганда хорижий адабиётлардан ижодий ўзлаштирилган мотив образларни назарда тутмоқдамиз. Бироқ бундай мотивлардан шунчаки ўзлаштириб фойдаланилган дейиш ҳам унчалик тўғри бўлмайди. Чунки уларнинг ўзлашиши учун ҳам бадиий-эстетик зарурат, ҳам ижодий-руҳий шароитнинг етилиши талаб қилинади.

XX асрнинг 20-30-йилларда фаол ижод қилган шоирларимиз жаҳон адабиётини, хусусан, рус ва турк адабиётини кўп ўқиганлар, улардан яхши хабардор бўлганлар. Улар хорижликлар шеъриятидаги “денгиз” образининг ғоявий-поэтик кўлами ҳақида етарли тасаввурга эга бўлган.

Ботунинг “Каспий денгизига” шеъри тематик томондан Чўлпоннинг “Пўртана”сига яқин туради. Бу шеърда ҳам Чўлпон шеъридаги каби денгизнинг қудратли стихиясига мафтунлик марказий ўрин тутди. Шу билан бирга Боту шеърида энди денгиз билан баҳс, ўзини унга қиёслаш ҳам бор. Шеърнинг тематик қурилишини “мен денгиз каби” – “мен денгиз каби эмас” – “мен денгизман” схемасида ифодалаш мумкин.

Мен-да сен каби шўх, сен каби мағрур,
Мени “менлик”ка асир эта олмас бу ғурур²⁸.

Шеърнинг лирик қаҳрамони ўзини денгизга ўхшатади: “денгиз шўх” – “мен ҳам шўх”, “денгиз мағрур – мен ҳам мағрур” мотивларига “менинг ғурурим “менлик”дан йироқ” мотиви зид қўйилади. Бунинг сабаби шўро шеърияти руҳида “ғурурим шонли вулқондан олинган” мотиви билан, яъни инқилобга боғлаб изоҳланади. Шу тарзда шеърга инқилоб темаси олиб кирилади ва у бошқа мотивлар орқали ривожлантирилади.

Ўрганилаётган давр шеъриятидаги ўзлашган мотивлар қаторига яна “ўрмон”, “оғоч”, “чексизлик”, “белгисизлик”, “абадият”, “мангулик”, “он”, “коинот” (вселенная), “бўшлиқ”, “борлик”, “туман”, “оққуш”, “соҳил”, “йиртилган елкан”, “қирғоқ” кабиларни киритиш мумкин. Албатта, ушбу саналган сўзлар ўзбек тилида аввалдан бор эди. Шу сабабли уларни ўзлашган мотив деб санаётганимизга нисбатан эътироз бўлиши мумкин. Лекин худди шу сўзлар XIX аср охири ва XX аср бошлари рус шеъриятида, айниқса, символистик шеърларда кенг тарқалган поэтик мотивлар эканлиги адабиётларда қайд этилган.

²⁸ Боту. Танланган асарлар. – Т.: Шарқ, 2004. – Б.86

3) **Янги мотивлар.** Мотив образларнинг учинчи гуруҳини янгиланган ижтимоий-сиёсий ва маданий шароитнинг талаб-эҳтиёжларига жавоб сифатида пайдо бўлган мотивлар ташкил қилади. Бу мотивларнинг келиб чиқиши ҳам, мазмуни ҳам хилма-хилдир: 1) жонли сўзлашувда фаол ишлатиб келинган сўзнинг поэтик мотивга айланиши, 2) анъанавий мотивларда маъно силжиши юз бериши, 3) худди сўз ясалгани каби мотивнинг янгидан яратилиши.

Биз ўрганаётган давр шеъриятида фаол ишлатилган сўзнинг поэтик мотивга айланиши жуда кўп кузатиладиган ҳодисалардан биридир. Давр шоирларининг тўпламлари билан танишганда, “куз”, “қиш”, “қор”, “совуқ”, “қарға”, “япроқ”, “булут”, “юлдуз”, “кишан”, “занжир”, “аланга”, “баҳор”, “куз” каби ўнлаб сўзлар луғавий маъноларидан кўра анча кенг маъноларни ифодалашга хизмат қилдирилганини кўриш мумкин.

Давр шеъриятидаги мазкур учта гуруҳ мотивларининг салмоғи бири-бирдан фарқланиши мумкин. 20-30-йиллар шеърияти янги мотивларнинг кўплаб олиб кирилиши билан характерланади. Бу ҳол жамият ҳаётида ва кишилар онгида юз берган катта ўзгаришлар билан боғлиқдир.

Диссертациянинг “**Давр шеъриятидаги мотивлар семантикаси**” деб номланган иккинчи бобида мотивнинг иккиёқлама табиати (семантик *инвариант*, фабулавий *вариантлар*) очиб берилган ҳамда 20-30-йиллар ўзбек шеъриятидаги мотивларда образ ва маъно муносабати, мотивлар диффузияси, мотив образлар орасида ўзаро синонимик, антонимик ва омонимик муносабатлар масаласига тўхтаб ўтилган.

Бобнинг биринчи фаслида **давр шеъриятидаги инвариант ва вариант мотивлар муносабати** масаласи тадқиқ этилган. Биринчи бобда айтганимиздек, мотивнинг иккиёқлама табиати деганда, унда семантик *инвариант* ва конкрет асар доирасида воқеланадиган фабулавий *вариантлар* мавжудлигини тушунамиз. Мотивнинг вариантлилиги деганда ана шу нарса тушунилади. Мотившунос олимлар вариантлилика мотивга хос энг муҳим хусусиятлардан бири деб қарашади. Вариантlilik мотивнинг бир томондан БАДИИЙ ТИЛ, иккинчи томондан БАДИИЙ НУТҚ бирлиги экани билан белгиланади, бу унинг табиатига хос хусусият эканлигини билдиради. Мотивнинг *инварианти* (семантик инвариант) деганда унинг конкретlilikдан холи бўлган (у ёки бу асарга боғланмаган) умумий маъноси назарда тутилади. Мотивнинг *варианти* ёки *вариантлари* деганда эса унинг конкрет асарларда ифодаланган маъноси тушунилади.

20-30-йиллар шеъриятида жуда кўп қўлланган мотивлардан бири “парвоз” мотиви десак муболаға бўлмайди.

Ойбекнинг 1923 йилда ёзилган дастлабки шеърларидан тўрттасида “парвоз” мотивини учратамиз. Ойбекнинг мукамал асарлар тўпламида учинчи ўринда берилган “Қушлар, қочингиз!” номли шеърнинг дастлабки мисраларида баҳор ва у келтирган қувонч ҳисси тавсифланган, шундан кейин бунга қарама-қарши ҳолат сифатида “Фақат дардлидир Қафасда булбул” деб таъкидланади, шеър давомида қушларга қарата шоир шундай хитоб қилади:

Қушлар қочингиз!
Қирлар ошингиз.
Эркин тоғларда
Қанот қоқингиз.
Кимса кўрмасин,
Қонлар тўкмасин.
Эрка руҳингиз
Сира сўлмасин!²⁹

Шеърнинг тематик асоси “тутқунлик” ва “парвоз” мотивларининг ўзаро қарама-қарши қўйилишидан иборат, шу асосда шоир эркинликни юксак қадрият деб талқин қилиб, эрк учун интилиш, ҳаракат қилиш керак, чунки унга тўсқинлик қиладиганлар, раҳна соладиганлар бор деб уқдиради. Мана шу мазмунни ифодалаш учун шеърда “баҳорги ҳаёт шавқи” – “очилган чечаклар” – “тутқун булбул” – “парвоз” – “овчи” мотивлари қатнашади. Бу шеърда мотивларнинг семантик алоқа-боғланишлари зидлаш асосида берилган: “баҳорги ҳаёт шавқи” билан “тутқун булбул” мантиқий-мазмуний зидлик ҳосил қилади ва онгимизда “нормал ҳолат бундай бўлмайди!” деган ўй юзага келади; шундан кейин “парвоз” мотивига зидланган ҳолда “тутқун булбул (қуш)” ҳолати ҳам нормал эмас, бундан қочиш керак, деган фикр пайдо бўлади. Шеърдаги “овчи” (“кимса”) мотиви қушнинг табиий ҳуқуқига – эркинлигига даҳл қилувчиларни англатади, шоир улардан эҳтиёт бўлишга ундайди. Бундан кўриш мумкинки, шеърнинг асосий темаси “эркинлик”дир, “эркинлик” мотивидан “овчи” мотиви асосида яна бир темача юзага келади. Таҳлиллардан кўриниб турибдики, теманинг юзага чиқишида “парвоз” мотивининг роли жуда катта. Бу ерда “парвоз” *инвариант* мотив бўлиб, кўриб ўтилган шеърларнинг ҳар бирида унинг *вариант*лари қўлланган. 20-йилларда “парвоз” мотивининг ушбу семаси бошқа семаларига қараганда анча фаол бўлган. Бу, бир томондан, жамиятда эркинлик истаги кучайгани билан, иккинчи томондан, шу йилларда хотин-қизлар озодлиги масаласи долзарб бўлгани билан боғлиқ. Хотин-қизлар озодлиги мавзусида ёзилган жуда кўп шеърларда “парвоз” мотивидаги эркинлик семаси билан боғланадиган мотивлар иштирок этади. Масалан, “қаноти қайрилган қуш”, “қафасдаги қуш” мотивлари эркинлик йўқлигидан нолиш асосида ва б.

30-йилларга келиб ижтимоий-маданий шарт-шароитлар ва умумий руҳ-кайфият ўзгарди, бу эса давр шеърятининг поэтик тизимида ҳам жиддий ўзгаришларга олиб келди. 20-йилларда актуаллашган мотивлар сустлашиб, пассив бўлганлари фаоллашди, айрим мотивлар истеъмолдан қолиб, айрим янги мотивлар юзага чиқди. Масалан, юқорида таҳлил қилинган “парвоз” мотиви, унинг “эркинлик” семаси истеъмолдан қолди. Чунки бу даврга келиб жамият ҳаётида содир бўлган ўзгаришлар “эркка ташналик”, “эрк соғинчи” каби ҳис-туйғуларни анча сустлаштирди.

Тадқиқотимиз объекти сифатида олинган шоирлардан фақат Ғ.Ғулом ва Ҳ.Олимжоннинг 30-йиллар шеърятигагина “парвоз” мотиви иштирок этган

²⁹ Ойбек. Мукамал асарлар тўплами. 1-жилд. Шеърлар. – Т.: Фан, 1975. – Б.16.

шеърларни учратдик. Бу шеърларда энди “парвоз истаги”да яшаётган ё “парвоз қилолмаслиги”дан эзилган лирик қаҳрамонга эмас, балки парвоздаги лирик қаҳрамонларга дуч келамиз. Масалан, Ғафур Ғуломнинг ғазалга ўхшаш шаклдаги “Кўринур” шеърининг илк байти қуйидагича:

Кумуш қанот билан учсанг, товланиб тубан кўринур,
Севимли, кенг, азамат социал Ватан кўринур³⁰.

Шеърда самолётда учган лирик қаҳрамон кўзи билан “социал Ватан” манзаралари чизиб берилган. Банддаги асосий мотивлардан бири – “кумуш қанот” ифодаланган бўлса, иккинчиси – “иллюминатор”, самолёт деразачаси матнда англашилади, яъни ўқувчи шу деразачадан пастни томоша қилиб бораётган лирик қаҳрамонни кўз олдига келтиради. Шу икки мотив шеърнинг “социал Ватандаги юксалиш ва бахтиёр ҳаёт” темасини ривожлантириш учун восита-асос бўлиб хизмат қилади: “парвоз”даги лирик қаҳрамон “иллюминатор”дан кўриб тавсифлаб бораётган мотивлар яхлит бир манзара ҳосил қилади ва кўзланган ғояни батафсил ифода этади. Юрт манзараларини ўқувчи кўз олдига жонлантириш учун танланган мотивлар ҳам шоирнинг кўзлаган мақсадига, яъни мадҳ этишга мос танлаб олинган: “пахта чамани” – “шон-шарафли колхозлар” – “ботир йигитлар” – “кўкўпар бинолар” – “мухташам шаҳарлар” – “янги гигант (иншоотлар)”. Лирик қаҳрамон ўзининг янги ватанида кўриб қувонадиган нарсаларга энди бу Ватанда йўқ нарсаларни қарши кўяди: “зулм” – “жабр” – “кишан” – “миллий туман” – “алам” – “фиғон”. Бу билан у бугунги кунини яқин ўтмишга таққослайди, янги замонни, янги ватанининг бунёдкори бўлмиш шўроларни мадҳ этади. Лирик қаҳрамон янги Ватанида инсон мутлақо эркин деб ҳисоблайди, шунинг учун “Қанотларингни ёзиб, эркин уч улуғ элда, Бу ўлкада на зулм, на жабру кишан кўринур” дея хитоб этади. Мана шундай қараш жамият аъзоларининг кўпчилигига хос эди, шунинг учун 30-йилларда “парвоз” мотивининг “эркинлик” семаси истеъмолдан чиқиши муқаррар эди.

Иккинчи бобнинг иккинчи фаслида **20-30-йиллар ўзбек шеъриятидаги мотивларда образ ва маъно муносабати** ҳақида сўз боради.

Мотивни моҳиятан сўзга монанд, сўзга ўхшаш деб қабул қилар эканмиз, унда сўзга хос хусусиятларнинг қандай намоён бўлишини ўрганиш ҳам, бизнингча, адабиётшунослик учун қизиқарли ва фойдали бўла олади. Тилшунослик фанидан бизга маълумки, сўзлар шакл ва маъно муносабатига кўра тасниф қилинади. Худди шу нарсани биз 20-30-йиллар ўзбек шеъриятида қўлланган мотивларга татбиқ этиб кўрамиз, мотивларни шакл ва маъно муносабатига кўра тавсифлаш ва таснифлашга ҳаракат қиламиз.

Мотивнинг “образ” деб аталаётган томони нарсаларнинг ўша сўз воситасида тасаввуримизда жонланадиган, онгимизда конкрет ҳосил бўладиган аксидир. Масалан, денгиз мотиви образ сифатида тасаввуримизда конкрет нарсани – улкан сув ҳавзасини жонлантиришга ёрдам беради. Денгиз мотивининг “образ” деб аталаётган томони (шакл томони) сўз воситасида онгимизда пайдо бўладиган аксидир (“улкан сув ҳавзаси”). Масалани

³⁰ Ғафур Ғулом. Мукамал асарлар тўплами. 1-том. – Т.: Фан, 1983. – Б.261

ўрганиш учун объект ёки субъект вазифасида бўладиган “мотив образ”ларни “мотив”лардан фарқлаймиз. Предикат маъносига эга бўлган, масалан, “парвоз”, “сафар” кабиларни “мотив” деб юритамиз ва бундай мотивларни бу ерда қўйилган масала бўйича таҳлилга тортмаймиз. Яъни, “парвоз” мотивини қолдирган ҳолда, у билан боғлиқ “қуш”, “кўк”, “қанот”, “самолёт” каби мотив образлар таҳлилга тортилган.

Аввал ўзаро синонимик муносабатдаги мотив образларни кўриб ўтамиз. “Бузилган ўлкага” шеърининг жанрини Чўлпоннинг ўзи “достон” деб белгилаган. Бу шеър қуйидагича бошланади:

Эй, тоғлари кўкларга салом берган
зўр ўлка,

Нега сенинг бошингда қуюқ булут кўланка?³¹

Чўлпон бу икки мисрани “Булоқлар” тўпламида худди шу шаклда ва шеър (достон)нинг алоҳида қисми (мукаддимаси) сифатида ажратган ҳолда берган. Бу бекорга эмас. Шу мисраларда шеърнинг асосий темаси аниқ ва лўнда ифодасини топган. Темани юзага чиқараётган мотивларга эътибор қиламиз: “осмонўпар тоғлар” – “зўр ўлка” – “қуюқ булут”. Алоҳида оладиган бўлсак, бу мотивларнинг ҳар бири *бадий тил* нуқтаи назаридан сўзга тенг, шеърда эса улар *бадий нутқ* фактига айланган. Шунинг учун уларни бадий нутқ факти сифатида таҳлил қилишимиз керак. Яъни шеърда уларнинг ўзаро боғланишлари ва ўқувчига қандай мазмунни етказётганига қараш керак. Мазкур мотивлар мажмуидан қуйидагича мазмун келиб чиқади: “осмонўпар тоғлар” улуғлик, улканлик, сокин қудрат белгиси деб тушунамиз – шундай тоғлари бор ўлканинг ўзи ҳам “зўр ўлка” бўлиши керак – лекин шунга қарамай кўкида “қуюқ булут” кўланка солиб, ундан ёруғликни тўсиб туради. *Бу – номақбул ҳолат!* Бу ерда биз курсив билан ажратган жумла модал мазмунни, яъни муаллифнинг ўзи етказётган хабарга муносабатини ифодалайди. Яъни “қуюқ булут” бу ерда шоир салбий муносабатда бўлган нарса-ҳодисани англатиши керак. Шеърни ўқиш давомида эса “қуюқ булут” мотив образи ўлкани босиб олган “мустамлакачилар” маъносида қўлланганига ўқувчида шубҳа қолмайди.

20-30-йиллар шеърлятида шунга ўхшаш синонимик мотив образлар анча кенг оммалашган. Жумладан, шундай образлардан бири “қудрат” семаси атрофида бирлашади. Тенгсиз, тўсиб қолиб бўлмайдиган куч, ҳамма нарсани ўзига таслим этадиган кучни биз қисқа қилиб “қудрат” деб юритамиз. Бунга Чўлпон шеърлятидаги “денгиз”, “пўртана”, “тўлқин”, “тўфон” мотив образлари, шунингдек, кейинги авлод ижодида кенг оммалашган “вулқон”, “лава” мотив образларини киритишимиз мумкин. Буларнинг ҳаммаси битта синонимик қаторни ташкил қилади.

Диссертациянинг **“Давр шеърлятида мотивларни қўллашнинг синтактик ва прагматик жиҳатлари”** деб ном олган учинчи бобининг биринчи фасли **“Мотивлар синтактикаси”**га бағишланган. Сўзлар ўзаро грамматик-мазмуний алоқага киришиб, грамматик, семантик ва фонетик

³¹Чўлпон. Яна олдим созимни. – Т.: Ғ.Фуллом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. – Б.415.

бутунликлар – синтагмалар ҳосил қилгани каби мотивлар ҳам бир-бири билан ўзаро алоқага киришади. Ушбу фаслда давр шеъриятидаги мотивлар синтактикасини тадқиқ этамиз. Мотивлар ўзаро боғланиб, шеър таркибидаги тематик-ғоявий бирликларни, яъни мотивлар комплексларини ҳосил қилади.

